

## Ёшлар минбари

“Ёшлар пресс-клуби” — том маънода ёшлар минбарига айланди! “35 фоизлик” ўзини оқлади! Муносиб талабаларнинг шартнома пули тўлаб берилди! Бугун кун давомида “Ёшлар пресс-клуби”да З та катта лойиҳа ташкил этилди.

Жумладан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов контракти асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларнинг тўлов контракти тўлаб берилганиниг бўйича матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ушбу лойиҳага Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратура босқичлари талабаларига ўртacha ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган, Иттифоқ ва олий таълим муассасаси фаолиятидаги маънавий-марифий ва жамоат ишларида фаол иштирок этган ёшлар қатнашди.

Республикамиздаги 73 та олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган 3279 нафар талабаси тўлов-контракт пулининг 35 фоизини моддий ёрдам тариқасида тўлаб берилишини сўраб олий таълим муассасаларидаги Ёшлар Кенгашларига мурожаат қилгани спикерлар томонидан маълум қилинди.

— Тўлов-контракт пулининг 35 фоизини моддий ёрдам тариқасида тўлаб берилишини сўраб мурожаат қилган 3279 нафар талабадан 1967 нафари моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этилди, — деди Ёшлар иттифоқи Марказий аппарати масъул ходими Баҳодир Кучаров. — 4 967 915 364,95 сўм миқдоридаги сумма олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисоб-варақларига ўтказиб берилди. 1312 нафар талабанинг аризаси Низом қоидаларига жавоб бермаганлиги учун рад этилди.

Анжуманда “Ёш китобхон” танлови ғолибаси Моҳинисо Шомуродова ҳам иштирок этди ва сўзга чиқди. Катта муваффақиятларга эришиш учун Ёшлар иттифоқининг барча имкониятларидан унумли фойдаланиш лозимлигини билдириди.

Тадбирга ташриф буюрган талаба-ёшлар кўзларида қувонч ила Ватанимиз равнақи учун янада шижаот билан хизмат қилишга ваъда беришди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу лойиҳа келгусида минглаб ёшларнинг ижтимоий ҳимояси, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муҳим аҳамият касб этиши ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди!

Иифилган талабалар ҳам келгусида ушбу лойиҳага иштирок этишни мақсад қилди. Ушбу Пресс клубда институт Ёшлар иттифоқи фаоллари иштирок этди. Шунингдек, институт ёшлар иттифоқи фаол талабаси Искандаров Ҳайитбой Спекер сифатида қатнашди.



**Ёшлар иттифоқининг институт бошланғич ташкилоти етакчisi Акмал Бердимуродов  
ахбороти,**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**